

**Солиққа тортишнинг ташқи савдодаги ўрни:
назарий ва амалий ёндашувлар**

**Алмурадов Неъмат Абдуллаевич
мустақил тадқиқотчи**

Аннотация: Мақолада ташқи савдо фаолиятини солиққа тортишнинг назарий асослари ва Ўзбекистондаги амалий ёндашувлар таҳлил қилинади. Глобал иқтисодиёт шароитида экспорт-импорт операцияларини солиқлаштиришдаги муаммолар ва миллий солиқ сиёсатидаги устувор йўналишлар кўриб чиқилади. Шунингдек, божхона тўловлари, акциз ва ҚҚС тизимидаги ўрин, солиқ маъмуриятининг рақамлаштирилиши ва халқаро солиқ ҳамкорликнинг аҳамияти ёритилади. Илмий таҳлиллар асосида хорижий тажриба билан таққослаш орқали амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ташқи савдо, экспорт, импорт, солиққа тортиш, божхона тўловлари, фискал сиёсат, рақамлаштириш, халқаро тажриба.

Кириш. Ташқи савдо фаолияти ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Глобаллашув ва рақобатбардош бозор шароитида ташқи бозорлар билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш орқали миллий ресурслар самарали йўналтирилади. Бундай фаолиятнинг ривожланиши солиқ-бюджет тизимида ҳам мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб қилади. Айниқса, ташқи савдо амалиётларида солиққа тортиш механизмлари, божхона сиёсатининг самарадорлиги ва халқаро конвенцияларга мувофиқ ҳуқуқий асослар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ташқи савдони либераллаштириш, янги экспорт бозорларини ўзлаштириш ва инвестициявий муҳитни яхшилаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, 2017 йилдан кейин ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлашуви ва фаолиятини қулайлаштириш чоралари ташқи савдони солиққа тортиш тизимида янгиликлар киритилишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, миллий солиқ сиёсатини ташқи бозор талабларига мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Халқаро амалиётда ташқи савдо муносабатларини солиққа тортиш божхона ва фискал сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Солиқ



ставкаси, солиқ имтиёзлари ва рақамлашган тизимларни жорий қилиш орқали ташқи савдо фаолиятининг тартибга солиниши нафақат бюджет тушумларини ошириш, балки экспортни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш воситасига айланмоқда.

Иқтисодий назарияда ташқи савдо фаолиятини солиққа тортиш масаласи турли ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Адам Смитнинг абсолют устунлик назарияси ва Давид Рикардонинг нисбий устунлик назарияси мамлакатлар ўртасидаги савдо афзалликларини очиб беришга қаратилган бўлса, Хекшер-Олин модели ташқи савдони ресурслар тақсимооти ва нисбий фарқлар билан изоҳлайди. Ушбу назариялар ташқи савдо сиёсатининг самарадорлигини оширишда назарий пойдевор вазифасини бажаради.

Муаллифлар Масгрейв ва Стиглицнинг ишларида ташқи савдо билан боғлиқ солиқ сиёсатининг ижтимоий адолат, ресурсларни қайта тақсимлаш ва иқтисодий барқарорликка таъсири кўрсатилган. Улар ташқи савдо билан боғлиқ фискал сиёсатни мамлакат ички бозоридаги тенгсизликни юмшатишда муҳим механизм сифатида кўришган. Бу қарашлар Ўзбекистон солиқ сиёсати учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар — ЖСТ, ОТБ ва ХВЖ каби институтлар ташқи савдо муносабатларида солиқ шаффофлиги, қонун устуворлиги ва рақамли мониторинг тизимларини жорий қилиш бўйича тавсиялар бериб келмоқда. Уларнинг ҳисоботлари ва тавсиялари, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Божхона кодекси ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий солиқ-ҳуқуқий базасини ташкил этади. Экспорт амалиётлари ҚҚСдан озод қилиниши, экспортчилар учун қайтариш механизмлари мавжудлиги экспортни рағбатлантирувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Импорт товарлари эса акциз, божхона божи ва ҚҚСга тортилади, бу эса ички ишлаб чиқарувчиларни рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Ўзбекистонда ташқи савдо операцияларига оид лицензиялаш, товарларни сертификатлаш, валюта назорати ва статистик ҳисоботлар бўйича юридик нормалар амал қилади. Бу қоидалар солиққа тортишдаги ҳуқуқий аниқликни таъминлашга ва солиқдан қочиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат

килади. Шунга қарамай, баъзи амалиётларда турли органлар ўртасида функциялар такрорланиши кузатилади.

Солиқ-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш учун солиқ маъмурияти ва божхона органлари ўртасида ягона ахборот платформаси, лицензиялашда бюрократик тўсиқларни камайтириш ва ҳуқуқий актлар ўртасида уйғунликни таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ташқи савдо фаолияти орқали шаклланган солиқ тушумлари Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг аҳамиятли қисмини ташкил этмоқда. Хусусан, импорт операциялари орқали ҚҚС ва акциз тўловлари ҳажми ортиб бормоқда. Экспорт операцияларида эса ҚҚС қайтариш механизми орқали тадбиркорлик субъектлари молиявий оқимни эркин бошқариш имкониятига ега бўлмоқда.

Ҳозирда Давлат солиқ қўмитаси томонидан жорий этилган рақамли платформа — my.soliq.uz ва E-aktiv каби ахборот тизимлари солиқ ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилиш ва таҳлил қилиш имконини яратди. Бу орқали ташқи савдо билан боғлиқ операцияларда шаффофлик ошди, қўлбола маълумот тақдим этиш ҳолатлари камайди.

Бундан ташқари, Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари яхшиланиб, ҳисоботлар интеграция қилинди. Бироқ, амалиётда ҳанузгача маълумотлар алмашинуви бир томонлама амалга оширилади, бу эса таҳлил сифатини пасайтиради.

Халқаро амалиётда ташқи савдо муносабатларини солиққа тортишда автоматик ҳисоб-китоб тизимлари, соддалаштирилган божхона тартиблари ва экспортни рағбатлантирувчи фискал сиёсат устувор аҳамиятга ега. Жанубий Корея ва Туркияда экспортчилар учун махсус ҚҚС қайтариш марказлари фаолият кўрсатади. Бу марказлар орқали тадбиркорлар минимал хужжат билан фойда кўради.

Малайзияда эса “Солиқ ва божхона шериклиги” механизми асосида фаолият юритувчи тадбиркорлар солиқ ва божхона органлари билан битим асосида ишлайди. Бу битимда экспорт ҳажми, солиқ интизоми ва шаффофлик даражасига қараб имтиёзлар белгиланади. Ушбу модел ҳам Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида ташқи савдо ҳисоботлари автоматик тарзда EORI рақами орқали юритилади. Бу ҳисоботлар ички солиқ

тизимига боғланган бўлиб, солиқ мажбуриятларини шаффоф ва онлайн кузатиш имкониятини яратади.

Хулосалар ва амалий таклифлар:

1. Солиқ қонунчилигида ташқи савдо муносабатларига оид ҳар бир операция учун аниқ таърифлар, ставка ва имтиёз механизмлари яққол белгилаб қўйилиши керак. Бу тадбиркорлар учун ҳуқуқий аниқлик ва солиқ маъмурияти учун самарали назорат имкониятини яратади.

2. Импорт операцияларида тадбиркорлик субъектларига солиқ юқини аниқ ҳисоблаш имконини берадиган интерактив солиқ калькуляторлари, мобил иловалар ва онлайн маслаҳат тизимлари жорий этилиши лозим. Бу экспорт-импорт операцияларида иштирок этувчи субъектлар учун прогнозлаш имкониятини ҳам яратади.

3. Экспортни рағбатлантириш мақсадида ҚҚС қайтариш тизимида автоматлашган ва дискриминациядан ҳоли механизмлар жорий қилиниши керак. ҚҚС қайтариш муддати, тартиби ва ҳужжатлар рўйхати аниқлаштирилиши, ушбу жараёнда «бир дарча» тизими кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

4. Божхона ва солиқ органлари ўртасида маълумотлар интеграциясини таъминловчи ягона институционал платформа шакллантирилиши зарур. Бу платформа орқали декларация, товар йўлхати, сертификат ва лицензиялар автоматик равишда текширувдан ўтказилиши мумкин.

5. Солиқ маъмуриятида ташқи савдо бўйича ихтисослашган таҳлил гуруҳлари ташкил этилиши керак. Бу гуруҳлар ташқи бозорлардаги ўзгаришлар, фискал таваккаллик ва солиқ интизомини таҳлил қилиш, ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий таклифлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Масгрейв Р. А. Public Finance in Theory and Practice. — Нью-Йорк: McGraw-Hill, 1989.
2. Стиглиц Ж. Экономика государственного сектора. — Санкт-Петербург: Питер, 2005.
3. World Trade Organization (WTO). World Trade Report 2023: Re-globalization for a resilient, inclusive and sustainable economy. — Geneva, 2023.

4. OECD. Trade and Taxation in the Global Economy. — Paris: OECD Publishing, 2022.
5. Internal Revenue Service (IRS). International Tax Gap Series. — U.S. Department of the Treasury, 2023.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрирда). — Тошкент: Norma, 2022.
7. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). Digital Economy Report 2021.
8. Қурбонов С.А., Солиқ тизимида рақамлаштириш ва халқаро стандартлар. // Молия ва иқтисодиёт, №4, 2023.
9. Шарипова Г. Халқаро солиқ муносабатлари ва ташқи савдо. — Тошкент: Иқтисодиёт нашриёти, 2020.



Research Science and
Innovation House